

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖУФТ ТҮЁҚЛИ СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Сагиндикова Н.С

Ўзбекистон Миллий университети

2-босқич магистранти

Ўзбекистонда сут эмизвучиларнинг 104 тури учрайди, шундан 32 тури Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган [3]. Қизил китобга киритилган сут эмизвучиларнинг 8 тури ёки 25% ни жуфт түёқлилар ташкил этади. Республикаизда жуфт түёқлиларнинг жами 9 тури учрашини ҳисобга олганда, ёввойи чўчқадан ташқари уларнинг барчаси ноёб ва йўқолиб кетиш арафасидаги турлар мақомга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган. Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда учровчи жуфт түёқлилар туркумiga мансуб турларнинг деярли барчаси муҳофазага муҳтож турлар бўлиб, уларни сақлаб қолишининг замонавий ва илғор технологияларга асосоланган усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бугунги кунда регион билогик хилма-хиллигини сақлаб қолишида долзарб аҳамиятга эга.

Жуфт түёқли ҳайвонлар қадимдан инсониятнинг асосий озиқ-овқат ресурслари сифатида муҳим аҳамиятга эга. Уларни овлаш орқали озиқ-овқат сифатида фойдаланиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятни йўқотмаган. Кўпгина давлатларда ёввойи ҳолда яшовчи жуфт түёқлиларнинг гўшти ҳозирги вақтда ҳам савдо-сотиқ мақсадларида фойдаланилади (буғулар, ёввойи чўчқа, ёввойи қўйлар, лось ва бошқ.) ва бу албатта озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Охирги йилларда ов қилишнинг алоҳида йўналиши сифатида ов туризмининг ривожланиши ҳам ёввойи ҳайвонлар, жумладан жуфт түёқлиларга бўлган қизиқишининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Овчилик хўжаликларининг иқтисодий шароитларини яхшилаш мақсадида овланадиган турларни маҳсус парваришлар ва уларни ов туризми ишқибозлари учун таклиф қилиш ишларига қизиқишилари ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида овчилик хўжаликларининг иқтисодий шароитларини яхшилашга хизмат қиласи.

Республикаизда жуфт түёқли ҳайвонларни муҳофaza қилиш масаласи ва унинг долзарблиги айниқса экологик инқироз даврини кечираётган Орол ва Орол олди региони учун яна ҳам муҳим аҳамиятга эга [1, 2, 4]. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида содир бўлаётган антропоген хусусиятли ўзгаришлар жуфт түёқлиларнинг яшаш ареалларини қисқаришига, яшаш муҳитларидаги шароитларнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Жуфт туклиларни ноқонуний овлаш амалиёти бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида муҳофaza этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, бир қатор масалалар борки, уларни илмий асосда ҳал этмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин, булар жумласига қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

- Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аксарияти жуфт туёқлилар муҳофаза этилишига қарамасдан, уларнинг сони кўпайиш хусусиятига эга эмас ва айрим турларнинг сони аксинча камайиб бормоқда. Мазкур ҳолат муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги турларни етарли даражада муҳофаза этиш имкониятларининг чекланганлиги, муҳофаза ҳудудининг атрофи тўлиқ чегараланмганлиги билан изоҳланади;

- Бухоро буғуси (хонгул)- *Cervus elaphus bactrianus* ва Устюрт қўйи- *Ovis vignei arcae* каби турларнинг қадимда мавжуд бўлган яхлит ареалларининг бўлинниб кетиши ва қисқариши ҳисобига уларнинг ўзаро алоҳидалашган популяцияларининг шаклланганлиги ва улар орасидаги алоқанинг узилиши. Бунинг натижасида кам сондаги вакилларга эга бўлган популяцияда ўхшаш геномга эга бўлган вакилларнинг кўпайиши популяция яшовчанлиги ва касалликларга чидамлигининг пасайишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида популяция барқарорлигини пасайишига олиб келади. Мазкур масала турли популяция вакиллари орасида ўзаро эркин чатишишини таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва малиётга жорий этишни тақазо этади.

- Бир пайтлар Ўзбекистоннинг Устюрт платосида жуда кўп сонда учровчи Сайғоқ – *Saiga tatarica* лар бугунги кунда деярли йўқолиб кетган. Бу ҳолат Ўзбекистон ҳудудига Қозоғистондан кириб келувчи сайғоқлар миграциясини чегара орқали тўсиб қўйилиши ва Орол регионида юзага келган экологик инқироз билан изоҳланиши мумкин. Бундай вазиятни юмшатишда, ўзаро қўшни давлатларда турларни муҳофаза қилиш масаласида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва муҳофаза тадбирларини келишга ҳолда амалга ошириш самарали натижалар беради.

- Ўзбекистонда учровчи жуфт туёқларнинг барчасини ҳаёти сув ҳавзалари билан боғлиқ бўлиб, сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонаси ичимлик суви ҳамда озуқа ресуслари сифатида муҳим ўрин тутади. Охирги йилларда сув ҳавзалари гидролик режимида содир бўлаётган туб ўзгаришлар айниқса Бухоро буғуси (хонгул)- *Cervus elaphus bactrianus* ва Ёввойи чўчқа- *Sus scrofa* яшаш муҳитларида шароитларнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Кўллар қирғоғидаги қамишзорларга ўт қўйилиши айниқса ёввойи чўчқаларнинг яшаш муҳитларида озиқланиш ва кўпайиш имкониятларини чекланишига олиб келади. Амударё сатҳининг мавсумий кўтарилиши ва тушиши ҳам Бухоро буғуси (хонгул)- *Cervus elaphus bactrianus* нинг ҳам яшashi учун бир қатор ноқулайликлар юзага келишига сабаб бўлади.

• Республика изда овланиш имкониятлари кенг бўлган Ёввойи чўчқа- *Sus scrofa* ни тутқунликда ва ярим тутқунликда қўпайтириш орқали табиатга чиқарип юбориш орқали улар популяцияси сонинг ошишига эришиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Арылова Н.Ю. Экология сайгака на территории Северо-Западного Прикаспия в условиях депрессии численности (на примере экорегиона Черные земли). Автореф. дис....канд. биол.наук. – Ростов-на-Дону, 2009. –26 с.
2. Быкова Е.А., Есипов А.В. Современное состояние охотничье-промышленных копытных Узбекистана // Селевиния, 2006. – С.194–197.
3. Красная книга Республики Узбекистан. Животные. – Ташкент: Чинор ЕНК, 2019. –392 с.
4. Мармазинская Н., Грицина М., Митропольский М., Мурзаханов Р., Вундерлих Й. Редкие копытные центрального, южного Устюрта и Сарыкамышской впадины: современное состояние // Матер. Респ. науч.-практ. конф. «Современные проблемы сохранения редких, исчезающих и малоизученных животных Узбекистана» . – Ташкент, 2016. – С. 118-127.